

2/2023,  
mart-aprel  
(№ 00064)



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ИШИДА ТРАНСПОРТ ЛОГИСТИКАСИНИ АҲАМИЯТИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Кучаров Абдоржон Собиржонович**

*ТДИУ "Бизнес бошқаруви ва логистика" кафедраси профессори, и.ф.д.  
Тошкент, Ўзбекистон. [abror1967@gmail.com](mailto:abror1967@gmail.com)*

**ORCID:** 0000-0003-2314-2805

**Камалова Эльвира Абдусаттаровна**

*ТДИУ "Бизнес бошқаруви ва логистика" кафедраси доценти в.б., PhD.  
Тошкент, Ўзбекистон. [elvirakamalova@mail.ru](mailto:elvirakamalova@mail.ru)*

**ORCID:** 0000-0002-5204-4919

**Холикова Рухсора Санжаровна**

*ТДИУ "Тармоқлар иқтисодиёти" кафедраси доценти в.б, PhD. Тошкент,  
Ўзбекистон, [rxoliqova@bk.ru](mailto:rxoliqova@bk.ru)*

**ORCID:** 0000-0001-7672-6869

**Мухтарова Индира Яшнарбековна**

*ТДИУ "Бизнес бошқаруви ва логистика" кафедраси ассистенти.  
Тошкент, Ўзбекистон. [indiramukhtorova120@gmail.com](mailto:indiramukhtorova120@gmail.com)*

**ORCID:** 0009-0009-6183-4520

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i28](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i28)

### **Аннотация**

Сўнги йилларда мамлакатдан ташилган экспорт-импорт юклар ҳажмида ўсиш тенденцияси кузатилган бўлсада, мамлакат ҳудуди бўйлаб ҳаракатланаётган транзит юклар улуши камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Бунга, асосан темир йўл транспорти ташувларидаги пасайиш тенденцияси таъсир кўрсатган. Мамлакат транспорт логистика соҳасини ривожлантиришда транспорт воситаларининг эскирганлиги, автомобиль йўллари ва йўл бўйи инфратузилмасининг сифати пастлиги, чегара божхона постларидаги кутишлар, транспорт воситаларини тўхташ ва кутиш объектлари инфратузилмасининг сифатсизлиги, юк терминалларининг камлиги ва уларда зарур техник технологияларнинг етишмаслиги каби муаммоларни ҳал қилиш зарур.

**Калитли сўзлар:** транспорт, автомобиль, юк ташувлари, ташқи иқтисодий фаолият, божхона, инфратузилма, темир йўл.

### **ЗНАЧЕНИЕ И НАПРАВЛЕНИЯ ТРАНСПОРТНОЙ ЛОГИСТИКИ В ТАМОЖЕННОЙ РАБОТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**Кучаров Абдоржон Сабиржанович**

*Профессор кафедры «Бизнес-менеджмент и логистика» ТГЭУ, д.э.н. Ташкент, Узбекистан.*

**Камалова Эльвира Абдусаттаровна**

*Доцент кафедры «Бизнес-менеджмент и логистика» ТГЭУ, к.э.н. Ташкент, Узбекистан.*

**Халикова Рухсора Санжаровна**

*Доцент кафедры «Сетевой экономики» ТГЭУ, PhD. Ташкент, Узбекистан.*

**Мухтарова Индира Яшнарьбековна**

*Ассистент кафедры «Бизнес-менеджмент и логистика» ТГЭУ. Ташкент, Узбекистан.*

#### **Аннотация**

Хотя в последние годы наблюдается увеличение объема экспортно-импортных грузов, перевозимых из страны, наблюдается снижение доли транзитных грузов, перемещающихся по территории страны. В основном на это повлияла тенденция к снижению на железнодорожном транспорте. В развитии отрасли транспортной логистики страны необходимо решить такие проблемы, как устаревание транспортных средств, низкое качество автомобильных дорог и придорожной инфраструктуры, время ожидания на пограничных таможенных постах, некачественная инфраструктура стоянки и ожидания транспортных средств, объектов, нехватка грузовых терминалов и отсутствие в них необходимых технических технологий.

**Ключевые слова:** транспорт, автомобиль, грузоперевозки, ВЭД, таможня, инфраструктура, железная дорога.

### **IMPORTANCE AND DIRECTIONS OF TRANSPORT LOGISTICS IN CUSTOMS WORK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**Kucharov Abrorjon Sabirzhanovich**

*Professor of the Department of Business Management and Logistics, TSUE, Doctor of Economics. Tashkent, Uzbekistan.*

**Kamalova Elvira Abdusattarovna**

*Associate Professor of the Department of Business Management and Logistics, TSUE, Ph.D. Tashkent, Uzbekistan.*

**Khalikova Rukhsora Sanzharovna**

*Associate Professor of the Department of Network Economics, TSUE, PhD. Tashkent, Uzbekistan.*

**Mukhtarova Indira Yashnarbekovna**

*Assistant at the Department of Business Management and Logistics, TSUE. Tashkent, Uzbekistan.*

#### **Abstract**

Although in recent years there has been an increase in the volume of export-import goods transported from the country, there has been a decrease in the share of transit goods moving through the territory of the country. This was mainly influenced by the downward trend in rail transport. In the development of the country's transport logistics industry, it is necessary to solve such problems as obsolescence of vehicles, poor quality of roads and roadside infrastructure, waiting time at border customs posts, poor parking infrastructure and waiting for vehicles. facilities, lack of cargo terminals and lack of necessary technical technologies.

**Keywords:** transport, automobile, cargo transportation, foreign economic activity, customs, infrastructure, railway.

#### **Кириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириши тўғрисида”ги Фармони[1] мамлакатимизнинг божхона тизимида босқичма-босқич ва изчиллик билан олиб борилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган, божхона фаолиятини комплекс тарзда, янгича мазмун ва шаклда ташкил этишга ҳамда

тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қиладиган муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Ушбу Фармон Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Бутунжаҳон божхона ташкилоти ва божхона ишига оид бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсиялари асосида божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб таомилларини соддалаштириш мақсадида, миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бевосита натижасидир.

Транспорт хизматларига бўлган талабнинг ортиб бораётганлиги, ушбу соҳани янада ривожлантириш, тармоққа миллий ва чет эл инвестицияларини кўпроқ жалб этиш, маҳаллий ташувчи фирмаларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асосида мамлакатда янги ишчи ўринларини яратиш имконини беради. Транспорт инфратузилмаси, жумладан транспорт логистикасини ривожлантириш мамлакат сиёсати даражасига кўтарилиб, ушбу соҳани тартибга солувчи норматив ҳуқуқий базалар такомиллаштирилмоқда. Жумладан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” нинг учинчи, “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” бандида таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш сифатида қайд этилган.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Логистика ва унинг фаолияти бўйича кўплаб илмий ишлар қилинган, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзилган ва таърифлар берилган. Жумладан божхона ишида логистика тизимини ташкил этиш муаммосини ўрганиш билан кўплаб замонавий хорижий тадқиқотчилар шуғулланмоқдалар, улар орасида Д. Бауерсокс [5], Ж.Вагнер, Д.Силвер, Т. Класс, Т. Уитин, Ю.А. Аникин [6], И.Н. Омелченко [7], О. Д. Проценко [8], А. М. Гаджинский ва бошқалар.

Европалик иқтисодчи олимлардан бири Джеймс С.Джонсоннинг фикрича: “Логистика – маҳсулотларини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида тайёрланганда олинадиган иқтисодий самарадорлиги ҳақида маълумотлар келтирганлар” деб таъриф берган [9].

Ушбу таърифни таҳлил қилиб айтишимиз мумкинки, бозор муносабатлари жуда мураккаб тузилган ва логистика фаолияти барча бозор муносабатларига хизмат қилиши деярли мумкин эмас. Масалан, давлатнинг барча ҳудудлари бир хил даражада ривожланмаган, айрим ҳудудларда логистика фаолиятининг ўзаро олди-сотди ва бошқа бозор муносабатларидаги иштироки яхши ривожланмаган.

Шумаевнинг фикрича, амалий қўллаш нуқтаи назаридан, логистика бу энг кам харажатларни ҳисобга олган ҳолда керакли вақтда, керакли миқдордаги товарни керакли вақтда, керакли жойда тақдим этишнинг энг самарали вариантини танлашдир [10].

А.Л.Носовнинг илмий изланишларида, ҳозирги шароитда халқаро транспорт-логистика тизимларининг ташкил этилиши ва мақбул фаолият юритиши муаммолари, божхона ишидаги аҳамияти тадқиқ этилади. Халқаро қатновларда аралаш ташқи савдо ташувларини ташкил этишни такомиллаштириш йўналишларини кўрсатган ҳолда аралаш юк ташувларини ривожлантириш истиқболлари алоҳида таъкидлайди [11].

Цветков томонидан логистика усулларининг икки турдаги тақсимланган тизимларда қўлланилиши қиёсий таҳлил қилинган. Биринчи тур классик логистика тизимларини ва иккинчи тур ахборот ва телекоммуникация тизимларини

тавсифлашини умумлаштириб мазмуни очиб берилган. Иккала тизимда ҳам қўлланилиши мумкин бўлган логистик принциплар кўрсатилган. Иккала тизимни оптималлаштириш ва ривожлантириш усулларининг фарқи кўрсатилган. Логистика тамойилларини тарқатилган ахборот тизимларида қўллаш объектив зарурат эканлиги ва иккала тизимнинг ривожланишига ҳисса қўшиши исботланган [12].

Тополсек ва бошқалар томонидан транспортда логистика тушунчаси бўйича қўйидаги фикр билдирилган: “Транспорт логистика бизнесида кўплаб тушунчалар мавжуд: транспорт, логистика, экспедиторлик ва ҳоказо. Шунингдек, транспорт иқтисодиёти, транспорт логистикаси, логистика менежменти ва бошқалар каби бир қатор тури мавжуд. Барчаси кўпинча инсон, моддий, ахборот ва молиявий оқимларнинг ҳаракатини режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ. Бироқ, амалда улар кўпинча ўзаро боғлиқ ва нотўғри фойдаланилади. Таҳлил натижалари ягона логистик атама йўқлигини аниқлашга имкон берди. Транспорт логистикаси тушунчаси ҳам турлича тушунилади [13].

Назарий манбаларни таҳлил қилиш логистика тизимини ташкил этиш муаммосини ишлаб чиқиш корхонанинг интеграциялашган логистика тизимининг турли таркибий қисмларини такомиллаштириш орқали амалга оширилади деган хулосага келишимизга имкон беради.

#### **Асосий қисм**

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб давлатлари каби Ўзбекистон ҳам транспорт логистикасини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси географик жиҳатдан Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги мамлакатга ушбу минтақа орқали ўтган транспорт коридорлари имкониятларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Шунга қарамай, минтақа давлатларининг транспорт соҳасидаги стратегияларининг бир-биридан фарқ қилиши, шунингдек, мамлакат миллий ташувчиларининг қўшни давлатлар ҳудудидан халқаро юклар орқали ҳаракатланишида бир қанча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, республиканинг денгизга чиқишида имконияти чекланган дунёдаги икки “doublelocked” давлатдан бири эканлиги ҳамда товарлар қийматида транспорт харажатлари юқорилиги ҳам мамлакат транспорт логистикаси ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Республика ҳудуди бўйлаб ташилган ички ва ташқи юклар ҳажми, асосан, темир йўл ва автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади. Божхона органлари томонидан ташқи савдо юкларининг божхона назорати ва расмийлаштируви амалга оширилишини инобатга олиб, республика ҳудуди бўйлаб ташилган ташқи савдо юклари ҳажми ва уларни ташиган транспорт воситалари таҳлили темир йўл ва автомобиль транспортлари кесимида амалга оширилди.

#### **Тадқиқот методологияси**

Мамлакат транспорт логистика соҳасини ривожлантиришда бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Минтақа давлатларида ташқи савдо юкларини ташиш бўйича ягона транспорт сиёсатини амалга ошириш, минтақа давлатлари бир-бирларини транспорт ўтказувчанлик ва божхона иши масалаларида қўллаб-қувватлашлари лозим. Бунда, транспорт воситаларининг мамлакатларнинг ҳудудларига кириб-чиқишлари, транзит ўтишлари, бир мамлакат транспорт воситаси бошқа бир мамлакат ҳудудидан юк

олиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек мамлакатлар ҳудудларига киришда ҳамда транзит ўтишда ундириладиган йиғимлар ставкаларини қайта кўриб чиқиш ёки умуман бекор қилиш масалаларини ҳал қилиниши керак.

Бутунжаҳон интернет тармоғида “Марказий Осиё транспорт портали” ни яратиш имкониятларини кўриб чиқиш зарур. Бунда, асосий эътибор ташқи савдо юкларини ташиётган транспорт воситалари ва улардаги ташқи садо юклари тўғрисидаги маълумотларни электрон алмашишга қаратилиши лозим. Мисол учун, Эрон Ислом Республикасидан Ўзбекистонга импорт юкларини олиб келаётган автотранспорт воситаси ва унга ортилган юклар тўғрисидаги маълумотлар ушбу автотранспорт воситаси Эрон-Туркманистон давлат чегарасини кесиб ўтган ҳамда Туркманистон божхона органлари томонидан божхона расмийлаштируви тугалланган пайтдан эътиборан Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ҳам онлайн равишда хабардор бўлиб боришади.

Мазкур тартибда электрон ахборот алмашинувининг жорий қилиниши натижасида ташқи савдо юклари ва уларни ташиётган транспорт воситалари таҳлилни амалга оширишга, кутилаётган божхона тўловларини аниқ прогнозлаштиришга, юқори қийматли товарларнинг охириги нуқтасига етиб келгунга қадар йўлда паст қийматли товарларга алмашилиб қолишини, чегара божхона постларида транспорт воситаларининг тирбандлигини олдини олишга эришилиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу порталдан ваколатли вазирлик ва идоралардан ташқари, транспорт воситалари тўғрисида маълумотга эга бўлиб туришлари мақсадида транспорт логистика компанияларининг кузатувчи мақомида фойдаланишлари лозим.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Бугунги кунда республика ҳудуди бўйлаб ташилган ташқи савдо юклари ҳажми таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат ҳудуди орқали 2019-2022 йиллар давомида темир йўл ва автомобиль транспортида жами 193 291,5 минг тн. ташқи савдо юклари ташилган бўлиб, бунда темир йўл транспортининг улуши 154 443,7 минг тн.ни ёки 15.73%ни, автомобиль транспортида эса 38 847,5 минг тн.ни ёки 59.73%ни ташкил этмоқда.

Божхона органлари томонидан ташқи савдо юкларининг божхона назорати ва расмийлаштируви амалга оширилишини инobatга олиб, республика ҳудуди бўйлаб ташилган ташқи савдо юклари ҳажми ва уларни ташиган транспорт воситалари таҳлили темир йўл ва автомобиль транспортлари кесимида амалга оширилди.

Республикада бу борада сўнгги йилларда амалга оширилаётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда ташқи савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижаси 2022 йилда республиканинг ташқи савдо айланмасини (матнда ТСА) 50,0 млрд. АҚШ долларига етишини ва 2021 йилга нисбатан 7,8 млрд. АҚШ долларига ёки 18,6 % га ошишини таъминлади. Ушбу натижа мамлакат тарихида энг юқори кўрсаткич сифатида қайд этилди.

Жумладан, бугунги кунда республика ҳудуди бўйлаб ташилган ташқи савдо юклари ҳажми таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакат ҳудуди орқали 2019-2022 йиллар давомида темир йўл ва автомобиль транспортида жами 193 291,5 минг тн. ташқи савдо юклари ташилган бўлиб, бунда темир йўл транспортининг улуши 154 443,7 минг тн.ни ёки **15.73%** ни, автомобиль транспортида эса 38 847,5 минг тн.ни ёки **59.73%** ни ташкил этмоқда.

**1-жадвал**

**2019-2022 йиллар давомида темир йўл ва автомобиль транспортида ташилган юклар ҳажми (минг тонна) \***

Т/Р	Транспорт тури	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	Жами	Жамига нисбатан, % да
1	Темир йўл	35 066,6	39 727,3	39 063,9	40 585,9	154 443,7	15.73%
2	Авто	8 114,65	7 329,15	10 441,8	12 962,2	38 847,8	59.73%
3	Жами	43 181,2	47 056,4	49 505,7	53 548,1	193 291,5	24.00 %

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси

Қуйида 2019-2022 йиллар давомида мамлакат ҳудуди орқали ташилган ташқи савдо юклари ташиган транспорт турлари ва ҳаракат йўналишлари (*экспорт, импорт, транзит*) бўйича тенденцияларини кўриб чиқамиз.

Темир йўл транспортида ташилган ташқи савдо юклари ҳаракат йўналишлари (*экспорт, импорт, транзит*) бўйича ҳажми қуйидагича:

**2-жадвал**

**Темир йўл транспорти бўйича ташилган юклар ҳажми\***

Т/Р	Йиллар	Ташилган юк ҳажми, минг тн.	2019 йилга нисбатан фарқи	
			минг тн, +/-	%
1	2019 й	35 066,6	0,0	0
2	2020 й	39 727,3	4 660,7	84,4
3	2021 й	39 063,9	-663,4	-12
4	2022 й	40 585,9	1 522	27,5
5	Жами	154 443,7	5 519,3	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси

Автомобиль транспортида ташилган ташқи савдо юклари ҳаракат йўналишлари бўйича ҳажми қуйидагича:

**3-жадвал**

**Автомобиль транспорти бўйича ташилган юклар ҳажми\***

Т/Р	Йиллар	Ташилган юк ҳажми, минг тн.	2019 йилга нисбатан фарқи	
			минг тн, +/-	%
1	2019 й	8 114,6	0,0	0
2	2020 й	7 329,1	-785,5	-16,2
3	2021 й	10 441,8	3 112,7	64,2
4	2022 й	12 962,2	2 520,4	51,9
5	Жами	38 847,8	4 847,6	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси

Юк ташиш бўйича барча кузатилган транспорт турлари орасида темир йўл транспортининг улуши устунлик қилади (154 443,7 млн. тонна). Автомобиль йўл орқали 38 847,8 млн. тонна юк ташилди. Қувур йўли орқали 63,5 млн. тонна газ ташилди. Юк

ташиш бўйича нисбатан паст кўрсаткич ҳаво транспортида қайд этилди – 10,1 минг тонна.

Ўзбекистон халқаро ташувлар жараёнида 30 дан ортиқ хорижий мамлакат билан ўзаро автотранспорт ташувларини тартибга солиш мақсадида икки томонлама рухсатномалар алмашиш тўғрисидаги битимларни имзолаган. Ушбу келишув миллий автоташувчиларга хорижий давлатлар ҳудудида ҳаракатланиш ҳуқуқини беради. Халқаро юк ташувлари бўйича жорий этилган стандартлар талабига кўра, Ўзбекистон билан икки томонлама келишувга эришган давлатлар битим қатнашчиси ҳисобланган давлат автоташувчиларига ўз ҳудудига киришлари, бўлишлари ва транзит ўтишлари учун ҳуқуқ беради. Бунда, мамлакатлар ўз ташувчилари ва ташқи савдо иштирокчилари эҳтиёжини ҳисобга олиб, рухсатномаларни ўзаро тенг миқдорда алмашади.

Шунингдек, миллий ташувчилар халқаро автотранспорт ташувларида TIR-Карнет ҳужжати орқали ҳаракатланишмоқда. Ушбу TIR-Karnet китобчаларининг афзаллиги шундан иборатки, юклар мазкур халқаро ҳужжат орқали ҳаракатланганида давлатлар чегарасида юкка нисбатан божхона процедураларининг соддалаштирилган тартиби қўлланилади. Бунда, юклар халқаро ташкилот аъзоси бўлган мамлакатлар ҳудудидан транзит тарзида ўтганда, уни асоссиз равишда очиш ва расмийлаштирув жараёнини зарурият бўлмаган ҳолда кечиктириш таъқиқланади. Миллий автоташувчиларни TIR-Карнет китобчалари билан таъминлаш вазифаси Ўзбекистон халқаро автомобилда ташувчилар уюшмасига юклатилган бўлиб, мазкур уюшмага 1975 йилда қабул қилинган “Халқаро йўлларда ташиш” Конвенциясига мувофиқ ташув китобчалари халқаро IRU ташкилоти томонидан берилади. IRU ташкилоти томонидан 2016 йилда Ўзбекистонга 27 минг дона TIR-Karnet китобчалари тарқатилган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 43 мингтани ташкил этади.

Транспорт логистикаси самарадорлигини баҳолашда индикатив ёндашувдан фойдаланган ҳолда транспорт харажатлари миқдори, чегара ва божхона назоратига сарфланадиган вақт, экспорт, импорт ҳамда транзит юкларини расмийлаштиришда талаб этиладиган ҳужжатлари сонининг миқдорий қийматлари белгиланади. Бугунги кунда транспорт логистикасини фаолиятини баҳолашда халқаро ташкилотлар томонидан турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар томонидан соҳанинг ҳолатига баҳо берилишида кўрсаткичлар, меъзонлар ва индикаторлардан фойдаланилади. Жумладан:

Транспорт логистикаси фаолияти самарадорлигини баҳолашда Жаҳон банки томонидан 2007 йилдан бошлаб юритилаётган “Логистика самарадорлиги индекси” (Logistics Performance Index – LPI) муҳим аҳамият касб этади (*мазкур индекс шакллантиришда дунёнинг 160 давлати логистика самарадорлиги кўрсаткичлари ўрганилади*). Жаҳон банки мутахассислари томонидан логистик фаолиятни баҳолаш халқаро, минтақавий ва миллий логистика операторлари, транспорт экспедиторлик компаниялари, омбор операторлари ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан сўров жараёнида аниқланади. Сўров жараёнида логистика тизимини самарадорлигини баҳолашда кўпроқ божхона ва бошқа чегара органлари фаолиятига эътибор қаратилади. Жумладан, логистика тизимини баҳолашда тузилган 55 та саволдан, 20 таси божхона ва чегара органлари фаолияти, 10 таси логистиканинг ривожланганлик даражаси, 8 таси логистик хизматлар кўрсатиш сифати, 5 таси назорат органларининг иш

самарадорлиги ва 4 таси тўғридан-тўғри транспорт воситасининг ишига оид ҳисобланади.

### **Хулоса**

Ўзбекистонада транспорт логистикасини тартибга солувчи ҳуқуқий база етарли даражада шаклланган бўлсада, логистика хизматларнинг замонавий турларига бўлган талабнинг ортиб бориши ва халқаро стандартлар мавжуд ҳуқуқий базани доимий янгилаб боришни талаб этмоқда. Хусусан, чегара ўтиш пунктларидаги процедураларни соддалаштириш, халқаро ташувлар учун рухсатнома ҳамда лицензиялар бериш йўналишидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Мамлакат транспорт логистикаси фаолиятини ривожлантиришда ривожланган давлатларда амалда бўлган замонавий транспорт хизматлари механизмини ўрганиш ҳамда уни миллий транспорт тизимига жорий қилиш зарур. Айниқса, бу борада халқаро ташувлар жараёнида қўлланилаётган 3PL логистика хизматларидан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади. Умуман олганда, сўнгги йилларда мамлакат транспорт инфраструктурасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар тўғридан-тўғри халқаро йўлларда ташувчилар фаолиятига ҳам ижобий таъсир қилади. Шу билан бирга, замонавий ТЛМ барпо этиш ҳам мамлакат экспорт салоҳиятини ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда транспорт логистикасини ривожлантириш муаммоларини тадқиқ қилишда транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, логистик хизматлар сифатини ошириш ва логистика фирмалари ўртасида соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда бошқа давлат органларининг (божхона, чегара, сертификация идоралари) фаолияти самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5414-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Божхона маъмурчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5582-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5647-сон Фармони.

5. Доналд Дж. Бауэрсокс, Дейвид Дж. Клос. Логистика. «ОЛИМП-БИЗНЕС». 2008 год. 636 стр

6. Аникин, Б. А., Логистика/ Б. А. Аникин- М.: ИНФРА-М, 2001. - 352 с. - ISBN 5-144-001845-435-1.

7. Омельченко И.Н., Аникин Б.А., Федоров Л.С. Инфра-М. Год издания: 2021. Логистика. Стр. 320.

8. Проценко Д.О. Стратегическая логистика. Издательский дом «МЕЛАП». Год издания: 2005. Стр. 368 <https://e.lanbook.com/book/4008>

9. Джеймс С.Джонсон, Дональд Ф.Вуд, Дэниел Л.Вордлоу, Поль Р.Мерфи-мл. Modern logistics (Современная логистика). Учебное пособие. – М.: “Вильямс”, 2015.

10. Шумаев В.А. (2016) Основы логистики. -М.: Юридический институт МИИТ, С. 20. — 314 с.

11. Носов А.Л. Региональная логистика. — М.: Альфа-Пресс, 2007.

12. Цветков В.Я. «Логистика информационных распределенных систем». Perspectives of Science & Education. Международный электронный научный журнал ISSN 2307-2334 (Онлайн) 2016. 4 (22).

13. Topolšek, D., Čižiūnienė, K., & Cvahte Ojsteršek, T. (2018). Defining transport logistics: a literature review and practitioner opinion-based approach. Transport, 33(5), 1196-1203. <https://doi.org/10.3846/transport.2018.6965>

14. Мальцев А.А. Система управления рисками в работе таможенных органов.

15. Глобал ўзгаришлар шароитида божхона тизимини такомиллаш-тиришнинг долзарб масалалари // Монография. Муаллифлар жамоаси. «Bojxona instituti», Toshkent-2020. - 180 bet.

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги 2019-2022 йиллар учун статистик маълумотлари.

17. <http://www.bojxona.uz>

18. <http://www.lex.uz>